O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
№ 11299

1999 йил 5 ДЕКАБРЬ ЯКШАНБА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

Қиш эшик қоқаяпти, биринчи қор ҳам тушди. Сизни эса хавотир қуршаган, чунки уйингиз яхши исимайди, газ милтиллаб қолган, электр тез-тез ўчиб қолади. Коммунал хизмат тўловлари эса кун сайин ошаяпти. Бу ҳақда тегишли идораларга, ҳокимиятга арз қилгансиз. Бироқ, ваъдадан бошқа нарса йўқ. Фиғонингиз фалакка чиқади. Дод солгингиз келади! Лекин бундай қила кўрманг. Аввало, Ўзбекистон ХДП сайловолди Сиёсий дастурига бир назар ташланг. Унда шундай сатрлар бор: **биз маҳаллий ҳокимият идоралари амалда рағбатлантираётган, ишлаб чиқарувчи — монополистлар томонидан, аҳолининг бевосита ҳаётий таъминоти жабҳаларига кирувчи, сув, иссиқлик, газ таъминоти, хусусийлаштирилган турар жойлардан фойдаланиш ва бошқа коммунал хизмат учун тўловларнинг оширилишига қаршимиз.**

Ўйлаймизки, бу сўзлар сизни ҳовурингиздан анча туширади. Қарийб сўнаётган умид учқунларини уйғотади. Демак, бу Сизнинг кўнглингиздаги гап. Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Сизнинг қувонч ва ташвишларингизга ҳамиша шерик! Шундай экан, бир ўйлаб кўринг: сайловда ким учун овоз бериш сизга фойдали?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, бу — сизнинг партиянгиз! Сизларнинг манфаатларингиз, қувончларингиз ва ташвишларингиз — бизнинг манфаат, қувонч ва ташвишларимиздир.

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодлар ҳақидаги материаллар газетанинг 2-3-бетларида)

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 13 ноябрь, шанба • № 134 (25.529).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

В.В.Фенни Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Виталий Васильевич Фен Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 12 ноябрь

Навоий йўллари бўйлаб

Навоий вилояти ҳудудида қизиқарли мусобақалар ўтказиш ўзига хос анъанага айланмоқда. Яқинда мухлислар бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақадан завқланган эдилар. Кеча эса Навоий шаҳар кўчалари бўйлаб Ўрта Осиё кубоги учун мотопойгага старт берилди. Мусобақани юксак савияда ўтказиш мақсадида вилоят ҳокимлиги маблағ ажратди. Алоҳида мукофотлар таъсис этилди. Пойгада эса Қозоғистон, Туркманистон, Мўғилистон, Россия ва Ўзбекистон спортчилари ўзаро баҳслашишмоқда. Яна бир неча кундан кейин эса вилоятнинг Исломобод шаҳрида арғумоқлар кишнаб, кўпкари бўйича халқаро мусобақа бошланишидан дарак беради.

Ўткир ПЎЛАТОВ



Эҳтиром рамзи

Шавкат АКРАМОВ олган сурат

Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссиясининг раиси Н.Комилов матбуот конференциясини очар экан, шу йил 31 октябрида комиссия Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодларни рўйхатга олиш жараёнини якунлаганлигини, 1242 нафар депутатликка номзод рўйхати матбуотда эълон қилинганидан кейин, сайловолди ташвиқоти бошлаб юборилганини таъкидлади.Бу Марказий сайлов комиссияси учун ҳам, округ ва участка сайлов комиссиялари учун ҳам, депутатликка номзодларнинг ўзлари учун ҳам катта синов давридир.Сайловолди ташвиқотида адолат тамойилларига қатъий риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, анжуманда Марказий сайлов комиссияси рўйхатдан ўтказилган депутатликка номзодларнинг ижтимоий келиб чиқиши, партияга мансублиги, миллати, жинси, маълумоти ҳамда сайлов округларига доир статистик маълумотларни атрофлича ўрганиб чиққанлиги таъкидланди. Айни пайтда комиссия томонидан бу борада технологик тизим ишлаб чиқилгани, унинг ёрдамида депутатликка номзодлар ҳақида исталган вақтда исталган маълумотни олиши мумкинлиги қайд этилди.

Сайловолди ташвиқоти жараёнида фойдаланилиши мумкин бўлган манбаалар — оммавий ахборот органлари материаллари, кўргазмали воситалар, жумладан, плакатлар, сайловчилар билан бевосита учрашувлар давомидаги мулоқотлардан тўла фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Конференцияда мамлакатимизда бўлажак сайловлар бутун жаҳон жамоатчилигида ҳам катта қизиқиш уйғотаётгани, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Олий Мажлисга сайловда ЕХҲТдан 20 нафар экспертнинг кузатувчи сифатида қатнашиши кутилаётгани маълум қилинди. Анжуманда журналистларни қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

(ЎзА)

ТОЖИКИСТОН:

ХАЛҚНИНГ УМИДИ ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКДА

Тожикистонда бўлиб ўтган президент сайлови ҳақида оммавий ахборот воситаларида сиёсатчилар, журналистлар ўз муносабатларини билдиришмоқда. Ва бу— табиий. 1992 йилнинг баҳоридан кейин мамлакатда содир этилган қонли воқеалар, нотинчлик, ниҳоят мухолифатнинг қайтиши, халқнинг уларга ва амалдаги сиёсатга муносабати— қандай йўл танлаши ҳеч бир кишини лоқайд қолдирмайди.

Агар ёдингизда бўлса, бешинчи ноябрь куни Тожикистон Марказий сайлов комиссия раиси Мирзоали Болтуев президентликка қўйилган икки номзод исми— шарифи қайд этилган бюллетенлар сайлов участкаларига тарқатилганлигини расман маълум қилди.

Сайлов комиссияси раиси президентликка номзод Давлат Усмоннинг номзодлик гувоҳномасини олишни рад этганлиги ҳақидаги «даъво»сига муносабат билдириб, шуни маълум қилдики, шу кунгача Марказий сайлов комиссияси Ислом уйғониш партиясидан ёхуд Давлат Усмон томонидан ўз номзодини қайтариб олиш ҳақида хеч қандай расмий ҳужжат олмаган. Шунинг учун ҳам бу номзоднинг исми-шарифи сайлов бюллетенида сақлаб қолинган.

Аслида эса, «Независимая газета»нинг ёзишича, вазият бундан кўра таажжубланарлидир: Марказий сайлов комиссиясида Ислом уйғониш партияси етакчиларидан бири бўлган иқтисодиёт вазири Давлат Усмонинг президентликка ўз номзодини кўрсатилишини сўраб ёзган аризасигина бор, холос. На унинг таржимаи ҳоли, на унинг номзодини қўллаб-қувватловчи фуқаролар имзоси йиғилган рўйхат ва на унинг номзодини кўрсатган Ислом уйғониш партияси қурултойи қарори бўлмаган.

Нега? Нима учун?

Ахир бу бозордаги бийлашув эмас, балки мамлакат президентлиги учун олий даражадаги кураш жараёни-ку! Нега мухолифат бу қадар пала-партиш муносабатда бўлди унга? Шошиб қолишдими? Ёхуд сайловни писанд этишмадими?

Йўқ. Афтидан, бунинг замирида бўлак сабаблар яширин.

Буни англамоқ учун энг аввало бир саволга жавоб топиш керак: Давлат Усмон ким ўзи?

1992 йилнинг мартида Тожикистон матбуотида унинг номи тез-тез кўзга ташлана бошлаган. Шаҳидон майдонидаги митингларнинг тўртинчи куни «Народное газета» шундай деб ёзган эди: «Одамларнинг майдонда йиғилишига сабаб бўлган норозилик... энди иккинчи даражали масалага айланди ва янги даъво қалқиб юзага чиқди: республика парламенти тарқатилсин, унинг раиси истеъфо берсин!»

Апрелда, парламент сессиясида Ислом уйғониш партияси раиси муовини Давлат Усмон митингнинг учинчи куни вазиятни қўлга олишгани ва ўз талабларини илгари суришганини эътироф этади. У 17 банддан иборат талабни амалдаги раҳбарият олдига қўяди. На мамлакат президентида, на бўлак бир нуфузли органда, амалдаги Конституцияга кўра, парламентни тарқатиб юбориш ваколати йўқлигини жуда яхши билса-да, унинг тарқатилишини қатъий талаб қилган шу партиянинг вакили «Жумҳурият» газетаси орқали ўз сафларида 27000 қуролли одам борлигини, шунингдек, афғон мужоҳидлари билан узвий ҳамкорлик қилиб келинаётганлигини уқтиради, яъни пўписа қилади.

Мана шунга ҳам етти йилдан ошди. Қанча сувлар оқиб ўтди, аммо содир этилган ҳунрезлик, кули кўкка совурилган қишлоқлар, бегуноҳларнинг тўкилган қони, жудолик ситами ва ададсиз кулфатлар ҳали ҳеч кимнинг хотирасидан ўчгани йўқ. Баъзи бир манбаларда айтилишича, 1992 йилнинг баҳоридан кейинги биродаркушлик уруши қурбонлари Тожикистоннинг иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган фарзандларидан кам эмас!

Тожикистондаги президент сайлови билан боғлиқ жараён кечмиш хотираси юракларда яшаб келаётганлигини бир неча ҳолатларда тасдиқлайди. Биринчидан, Давлат Усмоннинг ўз номзодини қўйишдаги, тўғрироғи,ҳужжатларни расмийлаштиришдаги пала-партишлик унинг ўзига, партиясига ва ўз тарафдорларига бўлган **ишончсизлик** билан изоҳланмайдими?

Иккинчидан, муқобил номзодга сайловчиларнинг атиги икки фоиздан зиёдроғи овоз берди,холос.

Нега?

Учинчидан, сайлов жараёнида фаол иштирок этган сайловчиларнинг 96,9 фоизи Имомали Раҳмоновга ишонч билдиришди.

Хўш , бу нимани англатади?

Би-Би-Сининг Марказий Осиёдаги ходими айтадики, урушдан чарчаган Тожикистонда деярли барча Раҳмоновни тинчликнинг асосий кафолати деб билади.

Ахир, бу асъаса-ю дабдабаси бутун дунёни бузиб келаётган мухолифат ва унинг тарафдорлари Тожикистон Республикасида икки фоизни ҳам ташкил этмайди, деган маънони англатмайдими?!

Ҳа, дунёда яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам изсиз кетмайди.Қилғиликни қилгач, «Бўладигани бўлди, бўёғи синди, ўтган ишга саловат», деган одам адашади. Одамзод уйини бузганни ҳам, қора кунида яраганни ҳам ҳеч қачон унутмайди.

Халқнинг бугунги умид ва ишончи ўз навбатида Президент Имомали Раҳмонов зиммасига улкан масъулият юклайди. Энг аввало, халқаро терроризмни уруитиш манбаи бўлиб келаётган жангарилар лагерларини бартараф этиш лозим. Чунки қонун ва инсоний тамойилларни оёқ ости қилиб яшовчи қора куч ҳар лаҳзада илондай ҳамла қилиши мумкин. Яшаётган уйингда илон уяси бўлса, ҳеч қачон жонинг ҳаловат билмайди. Шундай экан, илоннинг бошини янчиб, уясини қуритиш керак. Сайловчиларнинг бирдан-бир умиди шу бўлса, ажаб эмас. Зеро, осойиш бўлмаса кўнглинг тинч бўлмайди. Кўнглинг нотинч экан, экин экишни ҳам, етиштирган ҳосилингни йиғиб-териб олишни ҳам унутасан, киши.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари халқаро террорчиларнинг Тожикистон ҳудудидан чиқариб юборилиши ҳақида турлича фикрлар билдиришмоқда. Баъзи маълумотларга қараганда, Фарм, Тавилдара ва Комсомолободда мухолифатчиларнинг ҳомийлигида ноқонуний паноҳ топган террорчиларнинг бир қисми Афғонистоннинг Толибонлар назоратидаги томонга чиқариб юборилган. Бошқа манбалар эса, диний экстремистларнинг асосий гуруҳлари ҳамон ўз турган жойларини тарк этганлари йўқ, деган фикрни айтмоқда.

Воқеаларнинг бундай кечиши халқаро террорчиларнинг маълум бир қисми мамлакат ичкарисида имижимида қолиб кетишидан манфаатдор кучлар ҳали ҳам мавжуд эканлигини кўрсатади, тинчлик ва осойишта ҳаётни азиз билган ҳар бир кишини ҳушёр торттиради.

Шу маънода халқнинг Имомали Раҳмоновга билдирган ишончи катта кафолат ва имкониятдир. Бу кафолат замирида ўзига шу ишончни билдирган халқнинг бахт-саодати, ёрқин истиқболи, тинчлик ва барқарорлиги ётибди.

Бу эса, ўз навбатида Тожикистон ҳудудида ҳамон жон сақлаётган террористик кучларни батамом бартараф этиш, мамлакатда мўътадил иқлимни яратиш, эзгу ва савоб ишларни бошлашга умид уйғотади.

Эртанги кун юзага келиши мумкин бўлган фалокатлар, фожиалар, бахтсизликларни олдини олиш, оддий одамлар, жумладан, жафокаш тожик халқининг тинчлигини сақлаш, яратувчилик ва бунёдкорлик ишларини юзага чиқариш учун Ўзбекистон ҳукумати, мамлакатимиз раҳбарияти, қатъий таъкидлаётганидек, зарур амалий ёрдам кўрсатиш, керак бўлса, кескин чоралар кўриш тарафдоридир.

Минтақамиз тинчлиги эса шу ҳудудда яшаётган ҳар бир инсон, ҳар бир оила, ҳар бир Ватан равнақининг кафолатидир.

Зеро, Ватан озодлиги ва фаровон ҳаёт — ҳар бир инсоннинг олий мақсадидир.

Мурод БОЗОРОВ

Сўровми ёки қийшиқ кўзгу?

Мамлакатимизнинг янада демократик ривожланишида, мустақил ўзбек давлатчилигининг мустаҳкамланишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва давлат ҳокимиятининг маҳаллий ваколат органларига шу йил бўлиб ўтадиган сайловлар, шубҳасиз, муҳим босқичдир. Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, сайловолди мавсуми барча сайлов жараёнлари демократик ва ошкоралик вазиятида бошланди.

Шу нуқтаи назардан, шубҳасиз, Ўзбекистон телевидениесининг сайловолди мавсумининг аввалидаёқ жамоат фикрини билиш юзасидан сўровларга мурожаат этгани ижобий ҳол бўлди. Бундай сўров мамлакатимизда ва унинг ташқарисида тезда танилган «Ижтимоий фикр» жамоатчилик маркази томонидан ўтказилмоқда.

Мазкур марказ томонидан доимий ўтказилаётган сўровлар натижалари мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ва сайлов жараёнининг бошқа қатнашчилари рейтингини аниқлаш салмоғи дадиллиги билан ажралиб туради, натижалар олиш манбааларига аниқ таянади ва қўлланилаётган услубият илова қилинади. Бундай тадқиқотлар, бизнинг фикримизча, сиёсий партиялар учун яхши хизмат қилиб, ўз кучларини жиддий баҳолаш ва сайлов компаниясини режалаштиришга ўзгартиришлар киритиш имконини беради.

Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар рўйхати эълон қилингандан сўнг, дарҳол ана шу мавзуда телевидение кўрсатувларида жиддий бўрилиш рўй бергани кутилмаган ҳол бўлди. Ўқувчига эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 7 ноябрида телевидение гўёки сайловчилар кайфиятида жиддий ўзгариш рўй берганидан гувоҳлик берувчи сўров натижаларини эълон қилди. Аниқроғи, сўровлар натижаларига кўра ҳозирга қадар етакчилик қилаётган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг рейтингги икки мартадан кўпроқ тушиб кетганлиги ва тўсатдан «Фидокорлар» партияси «оммавийлигининг ошиши» жиддий ўсганлиги маълум қилинди. Ана шу шов-шувли маълумотлар янада «ишончлироқ» бўлиши учун унда «Ижтимоий фикр» маркази раҳбаридан бири билан бўлган суҳбат илова қилинди.

Табиийки, рейтингнинг тўсатдан шу қадар ўзгариши «Фидокорлар» партиясининг сайловолди ташвиқоти бошланиши натижаси, деб тахмин қилиш ҳам мумкин. Қонун ташвиқот бошланишига рухсат бергандан сўнг, биринчи кунданоқ, бундай самарали натижаларга эришиш учун ташвиқот беқиёс қудратли бўлиши керак.

Бундай ахборотни олгандан сўнг, бизнинг ташкилотларимиз «Ижтимоий фикр» марказига ўтказилган сўров тўғрисида, марказ фикри бўйича партиямизнинг электорат ўртасида оммавийлиги тушиб кетишига олиб келган қандай омиллар сабаб бўлганлиги тўғрисида батафсил ахборот олиш учун мурожаат этди. Ўтган якшанбада эълон қилинган сўров натижаларига «Ижтимоий фикр» маркази ҳеч қандай алоқадор эмаслиги маълум бўлгач, ҳайратимиз ошди. Телевидениеда намойиш этилган суҳбат эса камида 1 ой муқаддам суратга олинган экан.

Очиқ гаплар

Табиийки, шундан кейин телевидениега мурожаат этилди. Бизнинг фаолларимизга тушунтиришларича, энди жамоат фикрини сўраш маълумотларини бошқа ташкилот тақдим этаркан, яъни бизнинг социологик фанимиз осмонида «кўзни қамаштирувчи» ёрқин юлдуз пайдо бўлибди. Шунда биз, бошланаётган сайловолди мавсумида уларни ҳисобга олиш учун ана шу ташкилотнинг манзилини беринг, биз тадқиқотлар ўтказиш услуби ва натижалари билан батафсил танишайлик, дедик. Бунга биз қатъий рад жавобини олдик.

Агар, ҳамма нарсани ўз номи билан атайдиган бўлсак, бунда ошкоралик тамойилларининг очиқ-ойдин бузилгани намоён бўлади. Ваҳоланки, бу тамойиллар тараққий этган жамиятда бу каби сўровларни уюштиришнинг асосини ташкил этмоғи лозим.

Агар, яна давом этадиган бўлсак, унда олдиндан кўриш учун катта эҳтиннинг ҳожати йўқ.

Бу масалада бундай ёндошиш кимга керак, деб ўқувчи сўраши мумкин. Ахир мамлакат телевидениеси сайлов мавсумида сиёсий партияларга нисбатан ҳолисликка риоя этишга даъват этилган ва уларнинг ҳар бирига тенг имкониятлар яратиб бериши керак. Лекин... Ана шу нуфузли оммавий ахборот воситаси раҳбарларидан уч киши «Фидокорлар» партиясининг номзодлари эканлигини ҳисобга олсак, туғиладиган шубҳаларга жон кирмайдими?

Яъни, энг яхши ҳолда, буларнинг ҳаммасининг ортида истаган нарсасини ҳақиқат, деб беришга интилиш турибди. Лекин, материалнинг бу тариқа берилишидан манфаатдорлар бор. Телевидение эса бизнинг мамлакатимизда аҳолининг кайфиятини шакллантиришда салмоқли ўрин эгаллайди. Биз рўй берган воқеада гўёки «янада оммавий» бўлган партия фойдасига сайловчиларни оғдириш мақсадида тўғридан-тўғри босим борлигини тахмин этамиз.

Матбуотимиз саҳифаларида ана шу мавзуни кўтариб, биз рўй берган воқеани тўқнашувдан бошқа нарса бўлиб қолишини жуда истардик. Хориж тажрибасидан маълумки, жамоат фикрини ўрганишнинг салбий томонлари эмас, балки холис, синовдан ўтган ва ишончли манбаалари олинади.

Агар, бу каби уринишлар, айтиш мумкинки, сохталаштиришлар давом этадиган бўлса-чи, деб сўрашингиз мумкин. Биз ҳам шу саволни берамиз ва бунга «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 50-моддасидан жавобни топамиз. Унда депутатликка номзод тўғрисида сохта маълумотларни эълон қилган у ёки бу усулда тарқатган шахслар қонунни бузганлик учун жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган.

Ушбу ҳолатда эса бир номзод тўғрисида тарқатилган маълумот ҳақида сўз юритилмаяпти. Партия ҳақида, Олий Мажлисга 250 сайлов округидан 247 тасида рўйхатга олинган депутатликка номзодлар ҳақида гап кетмоқда. Ўқувчини ишонтириб айтамизки, партиямиз сайлов қонунчилиги доирасида қатъий ҳаракат қилиб, ўзини ҳимоя қилишга қодирдир.

А. РУСТАМОВ,
Ўзбекистон ХДП МК котиби
М. ЕЛЬШОВ,
МК масъул ходими

1999 йил 5 ДЕКАБРЬ ЯКШАНБА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА



МАЛИКОВ Фарҳад Латипович

1- Саноат сайлов округи

Фарҳад «Нон-паста» акциядорлик жамиятига раҳбарлик қилгунга қадар, ўзига хос йўлни босиб ўтди. Тошкент политехника институтини тугатгач, Тошкент сут корхонасида оддий аппаратчи, 1983 йилдан ишлаб чиқариш бошлиғи вазифаларида меҳнат қилди. Кейин «Тошкентнонқандолат» корхонасида раҳбар муовини бўлиб ишлади. 1993 йилдан бошлаб, Тошкент нонқандолат корхонасини бошқарди. Бугунги кунда эса «Нон-паста» акциядорлик жамиятига раҳбарлик қилмоқда.

У маҳсулот чиқариш билан кифояланмайди. Аксинча, корхонада тайёрланаётган маҳсулотга аҳолининг муносабатини билиш учун маҳаллаларга боради, савдо шаҳобчаларини кўздан кечиради. Нон-қандолат ва макарон маҳсулотларининг тўғри тарқатилиши юзасидан суҳбатлар ўтказиб туради. Ҳомий сифатида мактаб, болалар боғчаларини таъмирлашга кўмаклашади.

1991-1995 йилларда Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати бўлди. «Маҳалла» дастурини ишлаб чиқишда ва уни амалга оширишда иштирок этган. У раҳбарлик қилаётган корхона йилдан йилга иш суръатини оширмоқда. Бултур қўшма корхона ишга туширилди. «Паста-Камола» Ўзбекистон — Лехтенштейн корхонаси картошка чипсларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Бу маҳсулот хорижга чиқарилмоқда. Фақат сентябрь ойидаёқ 8500 АҚШ долларига тенг маҳсулот сотилди. Корхонада кунига 15 тонна печенье ва 10 тонна вафли ишлаб чиқарадиган Олмония линиясини ўрнатиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Интизомли, оилапарвар, меҳрибон, синчков, ишчан раҳбар ва тадбиркор мутахассис сифатида эл оғзига тушган.



МУРОТХОДЖАЕВ Сайфитдин Валиевич

6-Мирзо Улуғбек сайлов округи

С. Муротходжаев 1947 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек. Маълумоти олий. Иқтисод фанлари номзоди. У ўзининг илк фаолиятини 1970 йилда Тошкент политехника институтида илмий тадқиқотчи сифатида бошлаган. Институт проректори муовини, Ўзбекистон Давлат режа қўмитаси фан ва техника бошқармасида раҳбар муовини, «Ўзхимфарм» ишлаб чиқариш бирлашмасида муҳандис-технолог, катта иқтисодчи, цех раҳбари, бош муҳандис, бош директор вазифасини бажарувчи, «Ўзэлтехсаноат» ассоциациясида бошқарма раҳбари лавозимларида ишлади. 1999 йил июль ойидан бошлаб «Ўзбеккабель» давлат акциядорлик бирлашмаси бош директори.

Сайфитдин Муротходжаев бутун маҳорати, куч-ғайратини ишлаб чиқаришни тараққий эттиришга сарфлаяпти. У маҳоратли саноатчи бўлиш билан бирга оилада меҳрибон ота, корхона ишчилари даврасида яхши маслаҳатгўй ва тажрибали мураббий.

У ишлаб чиқаришни хомашё ва бутловчи қисмлар билан таъминлашдек масъулиятли вазифани уддалаб, корхона тасарруфидаги барча хизмат ва бўлимларнинг ишини яхши йўлга қўйди. Натижада, бирлашманинг хўжалик ва молиявий аҳволи ўнглана бориб, ишлаб чиқарилаётган кабель маҳсулотлари ҳажми ўтган 1998 йилга нисбатан 6,1 фоизга ошган бўлса, жорий йилнинг олти ойи мобайнида экспорт топшириғи 100 фоиз қилиб уддаланди.

Унинг бирдан-бир орзуси — жаҳон бозорида рақобатлашадиган маҳсулот тайёрлашдир. Сайфитдин Валиевич — ҳақиқатгўй, жамоа фикрини ҳисобга олган ҳолда қарорлар қабул қилади; унинг бу хислатини жамоадагилар қадрлай билади.



РАМАТОВ Ачилбай Жуманиязович

2-Оқтепа сайлов округи

Ачилбай болаликда ўйинчоқ поездларни ёқтирарди. Тақдир тақозосини қарангки, бугунги кунда у мустақил Ўзбекистон «Ўзтемирйўлтаъмирлаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори лавозимини эгаллаб турибди. У Буюк ипак йўлининг энг йирик бекатларидан ҳисобланган, Тошкент орқали ўтувчи барча темир йўл тармоқларида узлуксиз ҳаракатларни орзу қиларди. Маълумки, мустабид замонда бунинг иложи бўлмаган. Эндиликда эса юртбошимизнинг ташаббуслари билан Буюк ипак йўли бўйлаб темир йўлларда юк ва йўловчи ташишни замон талаби даражасига етказиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Ачилбай биладики, яқин йилларда Марказий Осиё республикалари, уёғи Эрон, Туркия, Кавказ, буёғи Хитой бўйлаб темир йўлларда кучли локомотивлар тортадиган вагонлар зарур бўлади.

Ачилбай Раматов бу борада ўз корхонасида катта ишлар амалга оширилиши вақти келганини қалбдан ҳис этади. Цех бошлиғи муовини, кейин бошлиғи, 1995 йилдан эса «Ўзтемирйўлтаъмирлаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори вазифасида ишлаётган бу инсон ўзининг билимдон мутахассис, малакали муҳандис, тадбиркор ва талабчан раҳбар, жонкуяр ташкилотчи сифатида намоён этди. У қисқа вақтда ишлаб чиқариш жараёнининг янгиланишига эришди. Темирйўл транспорти учун зарур маҳсулотлар — қўшқаватли енгил машиналарни ташишга мослаштирилган платформа, минерал ўғитлар ташиладиган хопперлар, юк ташиладиган ёпиқ вагонлар ва электровозларни ишлаб чиқариш ва таъмирлаш ўзлаштирилишига эришди. Жамоада ишлаб чиқариш ҳажми 17,4, меҳнат унумдорлиги йилига ўртача 10-12 фоизга, ўртача иш ҳақи олти баробар ўсганлиги бу ерда барча ишлар яхши йўлга қўйилганидан нишонадир.

А. Раматов «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви аъзоси сифатида ҳам фаолият кўрсатиб турибди.



ДАВРАНОВ Қаҳрамон

7-Тракторсозлар сайлов округи

1945 йилда туғилган, миллати ўзбек. Олий маълумотли. Фармацевтика институти, Ўзбекистон Фанлар академияси ўсимлик моддалари кимёси институтида аспирантурани тугатган. Кимё фанлари номзоди, биология фанлари доктори, биокимё ихтисослиги бўйича профессор. 200 дан ортиқ илмий мақола, 17 та патент ва муаллифлик гувоҳномаси эълон қилган. 2 докторлик ва 14 номзодлик диссертацияларига раҳбарлик қилган.

Қаҳрамон Давранов ҳақида қисқа маълумот ана шундай. Зеро, шунинг ўзиёқ бу инсоннинг кимлигини, унинг салоҳияти, малакаси, қолаверса, маънавиятини намоён этади. Илмий фаолиятини катта лаборантликдан бошлаган Қаҳрамон Давранович кейинчалик Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти директори лавозимигача кўтарилди. У микробиология ва биотехнология бўйича жаҳонда танилган олимлардан бири. Микроорганизм ферментларининг кўп шакллилиги борасидаги иши жаҳондаги таниқли олимлар томонидан эътироф этилган. Унинг технологияси асосида тайёрланувчи липаза ферментининг ажратилаётганига кўп йиллар бўлди. Заминимиз тупроғидан ажратиладиган бундай микроорганизмлардан ҳосил бўлувчи липаза ферменти чет эл олимларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Олимнинг яна бир ютуғи янги биотехнология асосида тупроқда азот тўпловчи микроорганизм асосида «Ер малҳами» — биоўғитнинг кашф қилиниши бўлди. Бундай «малҳам» мамлакатимиз деҳқончилиги равнақида асқотмоқда.

Қ. Давранов илмий ишларини жамоатчилик, ташкилотчилик фаолияти билан уйғунлашган ҳолда олиб боради.



АСАМОВ Шкурат Хуснутдинович

10-Чуқурсой сайлов округи

1997 йил ноябрь ойидан бошлаб, «Ёшлик» очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқарувининг раиси лавозимида ишлаб келаётган Шкурат Хуснутдинович Асамов иш жараёнида бурчига масъулият билан ёндошиши, ишнинг кўзини билиши билан жамоа ҳурматини қозонди. У ишлаб чиқаришга доир муҳим ва долзарб масалаларни ўз вақтида ҳал этишга эришмоқда. Шу сабабли ҳам қисқа давр ичида корхонада маҳсулот сифати яхшиланди, иш суръати жадаллашди. Энг муҳими, жамоа аъзоларининг меҳнатга муносабати яхши томонга ўзгарди. Буларнинг ҳаммасига Шкурат Хуснутдиновичнинг қатъиятлилиги ва талабчанлиги ҳам омил бўлмоқда, десак муболаға эмас.

У фақат ўз корхонаси ҳаётидагина эмас балки, туман ҳаётида ҳам фаоллиги, ташаббускорлиги билан эл ҳурматини қозониб келмоқда. Айниқса, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутати сифатида Тошкентнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига баҳоли қудрат ўз муносиб ҳиссасини қўшаётир.

Шкурат Хуснутдинович Асамов 1991 йилдан 1998 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Собир Раҳимов туман кенгаши биринчи котиби бўлиб ишлаган кезларида ўзининг ташкилотчилик қобилиятини, ҳар томонлама билимдон инсон эканлигини кўрсатди. Унинг яна бир яхши фазилатларидан бири ўз жамоаси манфаатларини ҳимоя қила олади, иродаси кучли шахсдир. Ўз ишини пухта билиши, одамларга ҳамиша эътибор билан қараши, вазифаларини тез ва соз бажариши билан жамоа ҳурматини қозонган.

40 баҳорни қаршилаган, олий маълумотли Шкурат Хуснутдинович Асамов Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаол аъзоларидан бири сифатида бундан кейин ҳам бутун куч-ғайратини эл-юрт манфаати йўлида сарфлашига ишонамиз.



ХАКИМОВ Бахтияр Мираҳимович

3-Акмал Икромов сайлов округи

Бахтияр Мираҳимович бултур кузакда акциядорларнинг навбатдаги йиғилишида «Ўзбек қоғози» ОТАЖ кузатув кенгашининг раиси этиб сайланганда, унга катта умид боғланганди. Боиси, у «Ўзбекмебель» давлат акциядорлик жамияти бошқаруви раиси вазифасини адо этиб юрган кезларда ўзининг тадбиркорлиги, ташкилотчилиги ва фидокорлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортганди. Б. Хакимов қоғоз, айниқса полиграфиябоп қоғозга юртимизда эҳтиёж катта эканлигини қалбдан ҳис этади. Кейинги йилларда бундай маҳсулотга талаб тобора ортиб бораётганини ҳам яхши билади. Шунинг учун ҳам мамлакатда ўзбек қоғозини кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бу борадаги муаммони ҳал этиш йўлида катта ишга бел боғлаган Б. Хакимов ўзининг салоҳияти, тажрибаси, қурувчи-муҳандислик имкониятлари қолаверса, иқтисодчига хос кенг қамровли билими ҳамда иқтидоридан унумли фойдаланишда саъй-ҳаракат қилмоқда, қоғоз соҳаси объектларини кенгайтириш, мазкур маҳсулотни ишлаб чиқариш қувватларини ошириш билан боғлиқ юмушларга катта куч сарфламоқда.

Унинг бевосита раҳбарлиги ва иштирокида Ўзбекистонда биринчи марта пахта саноати чиқиндиларидан қоғоз маҳсулоти ишлаб чиқариш учун зарур хомашё тайёрланадиган «ТАРХ» тажриба-саноат линияси яратилди. Россиядан қимматга келтирилаётган целлюлозага тобеликка барҳам берадиган, фойдаланишга топширилганидан кейин эса республиканинг хомашё мустақиллигини таъминлашга имкон берадиган Янгийўлдаги целлюлоза-қоғоз ишлаб чиқариш корхонаси қурилишини жадал олиб боришда ҳам Б. Хакимовнинг ғайрат-шижоати сезилиб турибди. Хусусан, ўтган етти ой мобайнида қувватлар 2,3 баробар ўсди. Ўртача ойлик маош ҳажми ҳам ортди, жамоанинг молиявий барқарорлиги таъминланди.

Бахтияр Мираҳимович ташаббускор, янгиликка интилувчан, фаоллиги билан бошқалардан ажралиб туради.



АЛИМБАЕВ Абдуманап Абдураимович

8-Миробод сайлов округи

Тавсифномадан: 1947 йилда туғилган, ўзбек, олий маълумотли. «Ўзэлектрапарат» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси. Ўз номзодини иккинчи марта Олий Мажлис депутатлигига қўяётган бу инсон бир вақтлар «Тошўйинчоқ» фабрикасида слесарь бўлиб ишлаб юрган кезларида шундай мартаба эгаси бўлишлиги хаёлига келганмикин? Йигит кишининг моли ерда, дейишади. Беҳаловат, тинибтинчимаган бу йигит ҳарбий хизматни ўтаб, яна қадрдон жамоасига қайтгандан кейин омади юришиб кетди. Катта уста, цех бошлиғи, катта муҳандис даражасига эришди. Ундаги қобилият ва ташкилотчиликни кўрган жамоа Абдуманап Алимбаевни «Тошўйинчоқ» фабрикаси директорига лойиқ кўришди. У корхонани ҳар жиҳатдан янгилаш, таъмирлаш, янги техника билан жиҳозлаш борасида жонбозлик кўрсатди.

Унинг лавозимларга кўтарилиши эса кўпинча тадбиркорлиги билан боғлиқ бўлди. Алимбаевнинг «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга таклиф қилиниши ҳам шундан. Алимбаев «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими» ҳамда «Хизмат кўрсатган рационализатор ва ихтирочи» унвонларига сазовор бўлган. 1997 йили «Меҳнат шуҳрати» орденига сазовор бўлди. Кўпқиррали ва интилувчан бу инсон Загорск бадиий-саноат ўқув юрти, Тошкент давлат университетининг тарих факультети ҳамда Тошкент халқ хўжалиги институтини сиртдан ўқиб, турли соҳалар бўйича мутахассисликни эгаллаган.

Алимбаев ўзи бошқараётган бирлашмани республика, ҳатто хориждаги турдош корхоналарнинг етакчилари қаторида кўришни истайди. Ижодкор сифатида ҳам у тўртта китобга муаллиф. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.



УМАРОВ Ўткур Абдуллаевич

11-Собир Раҳимов сайлов округи

У сувсиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмаслигини ёшлик чоғларидаёқ яхши англаган. Шунинг учун бўлса керак, ўсмирлик даврларидаёқ ўзи яшаб турган ўлкани сувга сероб бўлиши, дарёларнинг лим-лим оқиши, қолаверса, ўзига хос жаҳоний муаммога айланган Орол денгизининг тўлиши ҳақида кўп ўйланарди. Яхши гапга ҳам, ёмонга ҳам фаришта омин дейди, деганлари рост бўлса керак. Ўткур Абдуллаевич, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли «Сув — ҳаёт манбаи» корпорацияси раҳбари лавозимида иш бошлагандан кейин орзулари ушалганини қалбдан ҳис этди. Бу воқеа юртимизда мустақилликнинг 4 йиллиги нишонланган йилнинг октябрь ойида юз берди. Мана, энди Ўткур Умаров Ўзбекистон дея ардоқланадиган ажиб мамлакатдаги барча сув ишлари билан боғлиқ юмушларни адоғига етказиш юкини зиммасига олиб, мустабид замонларда сира амалга оширишнинг иложи бўлмаган ечимталаб муаммоларни ҳал этишга бел боғлади. Хусусан, сувни тежаш, экологик жиҳатдан яхшилашга эришиш, унинг заҳираларидан расамади билан фойдаланиш, қолаверса, янги каналлар очиш, эскиларини таъмирлаш ҳамда суғориладиган ерларга етарли об-ҳаёт таралишига эришиш йўлида саъй-ҳаракатлар қила бошлади.

Ўткур Абдуллаевич ўз меҳнат фаолиятида мамлакат қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиши, аграр секторда юқори даражали унумдорликка эришиш каби долзарб ишларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. У етук мутахассис сифатида эътибор топган. Ўзига ҳам, касбдош жамоа аъзоларига ҳам талабчан, юқори савияли, ташкилотчи раҳбар сифатида обрў қозониб келмоқда. У ибратли оила бошлиғи, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила оладиган, одамларни эргаштира биладиган ташкилотчи сифатида Олий Мажлис депутатлигига муносиб номзодлардан саналади.




АДИЛОВ Владимир Туйчиевич

4-Бектемир сайлов округи

Мустақиллик йилларида бозор иқтисодиёти тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, илмий бирлашмалар, ишлаб чиқариш корхоналари ва аграр хўжаликларда тайёрланаётган турли маҳсулотларнинг сифатли бўлиши, жаҳон андозаларига мослигига эришиш йўлида саъй-ҳаракат қилинмоқда. Назаримизда, Владимир Адиловнинг фаолияти бир жиҳатдан ана шу талабларга жавоб беради.

У фаолиятини 1964 йил Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида токар шогирдлигидан бошлаганди. Сабр-қаноатли ва қўнимли бу инсон дарахт бир ерда кўкаради қабилида иш тутиб, шу ерда олий даражали мутахассисга айланди. Табиатан оғир ва босиқ, лекин ишчан В. Адилов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг машинасозлик бўлимида эксперт, «Крамс-Дост» корпорациясида вице-президент, «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида директор муовини лавозимларида ишлади. У айни пайтда «Ўзиталмотор» акциядорлик бирлашмасида бошқарув раиси лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Истеъдодли раҳбар, ўз ишининг устаси янгиликларга интилувчанлиги билан ибрат кўрсатмоқда, ходимларни меҳрибонлик ва тўғри йўналишларга сола билиши билан иззат топмоқда. Владимир Туйчиевич раҳбар сифатида бирлашмада янгича анъаналарни ривожлантиришга ҳаракат қилади. У корхона базасида Американинг «КАММИНЗ» фирмаси билан биргаликда жаҳон андозаларига жавоб берадиган, техникаларга ўрнатиладиган двигателлар ишлаб чиқариш қўшма корхонасини барпо этиш борасида хайрли ишларни олиб бормоқда.



РУЗИЕВ Рустам Васикович

9-Файзиобод сайлов округи


Ўз меҳнат фаолиятини 1980 йилда «Ташгипротранс» институтида бошлаган Рустам Васикович Рузиев бу ерга келгунча Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтини муваффақиятли тамомлаган эди. У ишни муҳандис-қидирувчилик вазифасидан бошлади. Сўнгра ҳарбий хизматни ўтаб келиб, ўшандан буён «Гипротранс» институтида ишлаб келмоқда.

1957 йилда туғилган, олий техник маълумотли Р. В. Рузиев ўз ишининг ҳақиқий билимдонидир. Дастлаб муҳандислик вазифасида ишлаган бу йигит кейинчалик катта муҳандис, қидирув отряди бошлиғи, қидирув гуруҳи бошлиғи, лойиҳалаш бош муҳандиси, темир йўлларни лойиҳалаш бўлими бошлиғи бўлиб ишлади.

1997 йилда у «Гипротранс» жамоа корхонаси кенгашининг раиси этиб сайланди. Корхона жамоаси унга катта ишонч билдириб, уни «Гипротранс» лойиҳалаш институтининг транспорт бўйича лойиҳа-қидирув институти ижрочи директори этиб сайлади. У ҳозирга қадар шу лавозимда ишлаб келмоқда.

Меҳнат фаолияти мобайнида Р. В. Рузиев фақат мамлакатимиз ҳудудидагина эмас, балки Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудларида ҳам темир йўл транспорти бўйича бир қатор йирик ва муҳим қурилишларни лойиҳалаш ва бунёд этиш юзасидан катта ишларни олиб борди. Олий техник маълумотли мутахассис бу билангина кифояланган йўқ. Бевосита унинг иштирокида Кўрғонтепа-Кўлоб, Тежен-Серахс, Қумқўрғон-Оқжар ва бошқа янги темир йўл линиялари қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишда муҳандислик-қидирув ишлари адо этилди. Улар қаторига Самарқанд-Навоий участкасидаги иккинчи йўлни, Меҳнат-Жиззах-Самарқанд участкасидаги электрлаштириш ишларини ва бошқа янгиликларни қўшиш мумкин.

Янги Навоий-Учқудуқ-Нукус темир йўл линияси қурилишини техник-иқтисодий асослаш ва ишчи лойиҳаларини тузиш бўйича у лойиҳалаш бош муҳандиси ва бўлим бошлиғи сифатида катта ишларни олиб борди. Ҳозирги пайтда эса ана шу лойиҳалар асосида темир йўл қурилиши жадал суръатларда олиб бориляпти.



НАЗАРОВ Тўрабай Турсунович

12-Қорақамиш сайлов округи

Бугунги кунда қайси бир дўконга кирманг «Тошкентмебель» тамғаси қўйилган бири-биридан бежирим, бири-биридан чиройли мебеллар тўпламига, ётоқхона жиҳозларию жавонларга кўзингиз тушади. Булар шубҳасиз «Тошкентмебель» акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилганлигини кўриб, жамоанинг қўли гул хизматчиларига, қолаверса ташаббускор раҳбарларига таҳсинлар айтасиз. Бундай мебелларга ҳозирда талаб ортса, ортмоқдаки, аммо, камаймаяпти.

— Бунинг ҳеч қандай сири йўқ, — дейди бирлашма раҳбари. — Бугунги кунда мамлакатимизда харидорларни жаҳон намуналари асосида ишлаб чиқарилаётган буюмлар билан таъминлаш мақсадида мебелларни илғор саноат эстетикасига мослаш, хилларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш борасида кўзга ташланадиган ишлар олиб борилмоқда. Очиғини айтганда, сифат ҳар бир ишда мезон бўлиши керк. Бинобарин, халқимиз талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб, сифатли ва арзон баҳоларда мебеллар тўплами, ётоқхона жиҳозларини ишлаб чиқариш биз учун муҳим. Шу йўлда астойдил иш юритяпмиз.

Бирлашма раҳбари Тўрабай Назаров раҳбарлик қилаётган жамоа йиллик режаларни муттасил бажариб келмоқда. Корхона замонавий илғор технология билан тўлиқ жиҳозланган. Жамоа аъзоларининг яхши яшашлари ва унумли меҳнат қилишлари учун шарт-шароитлар яратиб бериш доимо унинг эътиборида. У партия топшириқларини ўз вақтида бажариши, фаол жамоатчилик ишлари билан ҳам бошқаларга ўрнак бўлаётир. Унинг фидокорона меҳнатлари юксак тақдирланиб, шу йил Республика Президентининг Фармонига кўра «Шуҳрат» медали соҳиби бўлди. Бундан ташқари, «Республикада хизмат кўрсатган мураббий» унвони соҳиби.



РАХМАТУЛЛАЕВ Фахриддин Эшматович

5-Дархон сайлов округи

— Корхонамиз пойтахт тимсолини англатувчи номни олиши бежиз эмас, нафақат Тошкент, балки, бутун Ўзбекистонни — НОН мамлакати деб атасак муболаға бўлмайди, жамоамиз республикамизни, асосан Тошкент вилоятини ун маҳсулотлари билан таъминлаш учун куну тун хизмат қилмоқдалар, — дейди пойтахтнинг 5-Дархон сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинган «Тошкент — нон шаҳри» жамоа корхонаси бошқаруви раиси Рахматуллаев Фахриддин Эшматович.

Фахриддин Рахматуллаевнинг иш фаолияти 1981 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг (ҳозирги ТошДТУ) кимё-технология факультети «Дон маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш» бўлимини тугатгандан сўнг бошланди. Аввал Оҳангаронда, 1984 йилдан бошлаб Янгийўл ун заводида оддий уста, бош технолог вазифаларида, 1988 йилдан Янгийўл нон ишлаб чиқариш корхонасида бўлим бошлиғи, бош муҳандис, 1992 йилдан бошлаб Чиноздаги нон маҳсулотлари комбинатида директор вазифаларида фаолият юритди.

1994 йилдан бошлаб «Тошкент — нон шаҳри» жамоа корхонаси бошқаруви раиси бўлиб ишлаб келмоқда. У қаерда ишламасин, ўзининг камтаринлиги, меҳнаткашлиги, тадбиркорлиги, одамларга меҳрибонлиги билан юрт эътиборини қозонган.

Корхона жамоси шу йилнинг февраль ойидан жавдар уни тайёрлашни йўлга қўйди. Дастлаб истеъмолчилар талабига қараб 200-300 тонна тайёрлашган бўлса, ҳозирда 500 тоннагача жавдар уни тайёрланмоқда. Келажакда жўхори уни ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.



МАТВЕЕВ Александр Алексеевич

13-Сергели сайлов округи

Александр Алексеевич Матвеев 1989 йилда «Novator« ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилган кундан бошлаб шу корхонада раҳбарлик лавозимида иш бошлаган. А. А. Матвеев 1958 йилда туғилган. Ихтисоси — олий маълумотли иқтисодчи.

1998 йилдан ҳозирга қадар у шу корхона раҳбарининг молия масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаб келмоқда.

Корхонанинг барча аъзолари Александр Алексеевични ташкилотчилиги, ўз ишининг билимдони сифатида ҳурмат қилишади. У бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида корхона ишларини пухта йўлга қўйишда, унинг бир маромда ишлашида жонкуярлик кўрсатиб келмоқда. Ишлаб чиқаришни моҳирона ташкил эта олгани учун ҳам у жамоа ҳурматига сазовор бўлган.

— Ўзбекистоннинг буюк келажагига қатъий ишонаман, — дейди А. А. Матвеев. — Бу ерда турли миллат вакиллари ахил ва ҳамжиҳатликда ана шу келажак пойдеворини яратиш учун меҳнат қилиб келмоқдалар. Шуларнинг бири сифатида мен ҳам Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши учун қўлимдан келганича астойдил меҳнат қиламан.

Александр Алексеевич ўз олдига қўйилган ҳар қандай вазифани уддалашга интилади, билимдон иқтисодчидир. Корхона олдида муаммолар туғилгудай бўлса, уларни ҳал этиш йўлида дадиллик билан ҳаракат қилади.

А. А. Матвеев Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастури асосида иш олиб бормоқда. Сайловчилар бу номзодга овоз берсалар, ЎзХДП Сиёсий дастурида олға сурилган амалий тадбирларни рўёбга чиқариш йўлида унинг фаол иш олиб боришига шак-шубҳа йўқ. Негаки, ўз жамоаси ўртасида шунчалик ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган инсон умумманфаат йўлида ҳам астойдил жон куйдириши турган гап. Камтарин ва тўғри сўз, ишчи-хизматчиларга ҳамиша ғамхўр, меҳрибон Александр Алексеевич Матвеев муносиб номзодлардан биридир.

ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

1999 йил 5 ДЕКАБРЬ ЯКШАНБА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар куни

ХДП
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

Ўзбекистон Халқ демократик партияси — яратувчилик сиёсий ҳаракатлари партиясидир. Биз учун — инсон, халқ, Ватан манфаатларидан ўзга олий манфаат йўқ!

(Ўзбекистон Халқ демократик партияси сайловолди Сиёсий дастуридан)

ГУЛЯМОВ Латиф Якубович

17-Дўмбробод сайлов округи



Олим бўлсанг, олам сеники. Бу гапнинг маъносини Латиф Гулямов тарихчи олим сифатида илк бор 1978 йили хорижий давлатда араб тили таржимонлиги бўйича фаолият кўрсатганда ҳис этган. 1956 йили Тошкентда , зиёлилар оиласида таваллуд топган бу инсон ўзининг одамохунлиги, меҳрибонлиги, қолаверса, ишнинг кўзини билиши билан эътибор топган. Тошкент давлат университетини тамомлагач, Республика Ёшлар ташкилоти қўмитасида референт, раис ўринбосари бўлиб фаолият кўрсатиши жараёнида эса унинг тадбиркорлиги намоён бўлди. 1990 йили Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтини битиргандан кейин унинг сиёсий-ижтимоий соҳадаги қобилияти ҳам кўзга ташлана бошлади. Жумладан, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси миллатлараро муносабатлар, жамоат ташкилотлари ва дин ишлари бўлими мудири бўлганида ўзини кўрсата билди. Кейин Тошкент шаҳар ҳокимлигининг кадрлар билан ишлашни ташкил этиш бўлими мудири маслаҳатчиси, шаҳар ҳокимлигининг ишлар бошқарувчиси лавозимларида ҳам фаолият кўрсатди. 1994 йилдан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди. 1999 йил октябрда ўтказилган партиянинг III қурултойида ЎзХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг аъзолигига сайланди.

У қаерда, қандай лавозимда фаолият кўрсатмасин, ҳамиша, ўзига ишониб топширилган вазифаларни кам-кўстсиз адо қилади, фаол ва ташаббускор.

АСКАРОВ Бахтиёр

21-Оқлон сайлов округи



Тошкент политехника институтини муваффақиятли тугатган Бахтиёр Аскаров меҳнат фаолиятини шу институтнинг қурилиш факультети «Йиғма темирбетон ишлаб чиқариш» кафедрасида шогирд-тадқиқотчи вазифасидан бошлади. Армия сафида хизматдан қайтгач, аспирантурада ўқишни давом эттириб, номзодлик диссертациясини ёқлади. 1972-76 йилларда шу институтнинг қурилиш факультети кечки-сиртқи бўлимида деканлик вазифасини бажарди. 1986 йилгача «Йиғма темир-бетон ишлаб чиқариш» кафедрасида мудирлик қилди. 1988 йилдан эса «Инженер қурилиш» факультети декани бўлиб ишлай бошлади.

1990 йилда унга профессор унвони берилди. 1991 йилда у Тошкент меъморчилик-қурилиш институтининг ректори этиб тайинланди. 1993 йилда унга техника фанлари доктори илмий даражаси берилди. Бахтиёр Аскаров Халқаро муҳандислар академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланган.

Бахтиёр Аскаровнинг илмий изланишлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг илмий раҳбарлигида 6 нафар аспирант номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Илмий маслаҳатлари асосида эса бир киши фан доктори илмий даражасини олди. Б. Аскаров қатор монография, ўқув дарслиги ва ўқув қўлланмаси ҳамда юзлаб илмий мақолалар муаллифидир. У Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги «Меъморчилик ва қурилиш» ўқув-услубий уюшмасининг раисидир. 1999 йилда у «Ўзбекистон Республикаси олий таълим фидойиси» нишони билан тақдирланди.

МЕЛКУМОВ Александр Николаевич

18-Чилонзор сайлов округи



«Совпластитал» қўшма корхонаси тўғрисида сўз борар экан, дарҳол кўз ўнгимизда пластмассадан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, буюмлар, бежирим ўйинчоқлар, турли рўзғорбоп анжомлар гавдаланади.

Қўшма корхона раҳбари, техника фанлари номзоди Александр Николаевич ҳақида яхшиси, унинг ҳамкасби, касаба қўмитаси раиси М. Умаровадан эшитинг.

— Агар у 37 йилдан буён меҳнат қилиб келаётган бўлса, шундан ўттиз бир йилини кимё саноатига бағишлади. Унинг ташаббуси билан мустақил юртимизда биринчи марта «Ўзмаишийкимёпласт» республика бирлашмаси ташкил топди.

Собиқ иттифоқ даврида кимё саноати соҳасида Ўрта Осиёда биринчи бўлиб, Ўзбекистонда пластмассадан кенг истеъмол буюмлари тайёрлайдиган Ўзбек-Италия қўшма корхонаси дунёга келди ва уни «Совпластитал» деб атадилар. Натижада кимё саноати тизимидаги йирик корхонага айланди. Ҳозирги кунда бу ерда шундай янги технологиялар ўзлаштирилганки, МДҲ давлатларида ҳам, яқин хорижда ҳам унинг ўхшаши йўқ. Бундан ташқари, Александр Николаевичнинг ташаббусларидан яна бири бу — гофрирлашган ва тўлдирилган қувурлар ишлаб чиқариш бўйича Жиззах пластмасса корхонасининг ишга туширилиши бўлди. Ушбу янги корхона асосий полимер хомашёни 30 фоизгача тежашга ва қувурлар ишлаб чиқариш қувватини йилига 14 минг тоннагача ошувида қўл келмоқда, — деб сўзида давом этади М. Умарова. — Корхонамиз жамоаси 1995-1999 йиллар мобайнида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажмини 4,6 маротабага ошириб, жорий йилда 1 миллиард 700 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. «Совпластитал» қўшма корхонаси ва унинг шўъба тармоқларида 3500 дан зиёд турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилмоқда ва бу маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги билан халқаро кўргазмаларнинг муносиб баҳосини олмоқда. Жорий йилда дизайн, янги технологияни жорий этиш ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жамоамиз 10 та совринг эга бўлишди.

НАРОВ Улуғбек Ирискулович

22- Марказий сайлов округи



Улуғбек Наров «Ўзавиализинг» акционерлик лизинг компанияси бош директори лавозимида иш бошлаганига эндигина уч йил бўляпти. Лекин, у қисқа даврда ўзини иқтисод ва техника соҳасида малакали мутахассис сифатида намоён этди. Ташкилотчилиги ҳамда раҳбарликни ўрнига қўйиши, мамлакат иқтисоди учун аҳамиятли бўлган йирик иқтисодий лойиҳаларни мустақил ишлаб чиқиши ва амалга оширишга қодирлиги билан ўзини кўрсатди. Шулардан бири Ўзбекистонда самолётлар лизингидир. Унинг ташаббуси ва ташкилотчилиги билан юзага келган ҳаво кемаларининг молиявий лизинг воситаси «Ил-76»ва «Ил-114» самолётларини экспорт қилиш доирасини кенгайтириш билан мамлакатимиз иқтисодий мавқеини янада яхшиланишига муносиб ҳисса қўшилмоқда.

Улуғбек Наровга хос микро ва макроиқтисодиёт, молия ва техника соҳасидаги билим ва тажриба авиациямиз техникасини жаҳон бозорига олиб чиқиш бўйича «Ўзавиализинг» компанияси олдига ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган вазифаларни адо этишда қўл келмоқда. Шунингдек, у Республиканинг «Лизинг ҳақида»ги қонуни ҳамда молиявий лизинг бўйича ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, қабул қилиш ташаббускорлардан биридир.

Улуғбек компаниядаги фаолияти билан Тошкент авиация институти магистратурасида мураббийликни қилиш уйғунлаштирган. У молиявий лизинг, авиация техникаси маркетинги, иқтисодиёт ва молия ҳамда менежмент соҳалари бўйича ўнлаб мутахассислар тайёрлашда кўмаклашмоқда.

Улуғбек Ирискулович иқтисод фанлари докторидир. Халқаро Валюта фондининг Бирлашган Вена институтида олган амалиёти билан микроиқтисодиёт соҳасидаги билимларини кенгайтиришга ҳам эришди.

Унинг кўмагида Ўзбекистонда биринчи марта лизинг концепцияси ишлаб чиқилди ва «Банк-лизинг», «ЎзКейсагролизинг» қўшма корхоналари ташкил этилди. Йирик салоҳият соҳиби Олий Мажлис депутатлигига ҳам муносибдир.

КИРГИЗБАЕВ Алиджан Элчибаевич

14-Қўйлиқ сайлов округи



Аввало, шуни айтиш керакки, мустақиллик йилларида дўконларимизда уйларимизга файз ва тароват бахш этувчи кўркам, жилокор мебелларни кўрганда кўзимиз қувнайдиган бўлиб қолди. Илгариги замонларда одамлар фақат хориждан келтирилган мебелларни излашарди. Мустақиллик йилларида эса мебеллар тўплами ҳамда юмшоқ ўриндиқлар сифат жиҳатдан халқаро андозаларга мосланди. Ўйлаймизки, бу борада қилинаётган ишлар ўз самарасини бераётган экан, «Ўзбекмебель» давлат акциядорлик бирлашмаси бошқаруви раиси А. Киргизбаевнинг бу борадаги ҳиссаси каттадир. У меҳнат фаолиятини 1962 йили мебель ишлаб чиқариш соҳасидан бошлаб, 1975-1994 йилларда мазкур соҳа бўйича раҳбар лавозимларда фаолият кўрсатиб келди. 1999 йил унга катта ишонч билдирилиб, бошқарув раиси вазифасида иш бошлади. Соҳанинг билимдони бўлиб қолган А. Киргизбаев одамлар билан ишлаш, улар кўнглига йўл топиш, имкониятлардан етарли фойдаланиш йўлида изланади. У бирлашма бошқаруви раиси сифатида мазкур тармоққа кирувчи корхона ва ташкилотларнинг муаммоларини ҳал қилишга кўмак бериб, ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлаш, унумдорликка эришиш, сифат кўрсаткичини яхшилашга эътиборни қаратмоқда. У тўғри сўз, софдил, ходимларга меҳрибон инсондир. Ҳамиша ўзининг сиёсий-иқтисодий савиясини оширишга ҳаракат қилади.

Ишлаб чиқаришда эришилаётган юқори кўрсаткичлари учун ҳукуматимиз уни бир неча бор фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаган.

СОЛИХЎЖАЕВ Шокир Тўраевич

19-Мевазор сайлов округи



ҲДПдан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод — «Тошметроқурилиш» бошқармасининг бошлиғи Шокир Тўраевич Солихўжаев айни куч-ғайратга тўлиб ишламоқда. Ер ости қурилиши юксак масъулиятни ва энг муҳими ишнинг кўзини билишни талаб этади. У Тошкент автомобиль ва йўллар институтини тугатиб «Тошинжстрой» трести тизимида оддий қурилиш устаси вазифасидан трест бошқарувчиси лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. 1998 йилдан буён у Тошкентнинг ер ости қасрларини бунёд этишда фаоллик кўрсатиб келмоқда. Олий маълумотли муҳандис ўз ишини пухта билибгина қолмай, айни пайтда, ташкилотчилиги, ғамхўр раҳбарлиги туфайли ишчи-хизматчилар орасида муносиб обрў қозонган.

Бугина эмас, Ш.Т.Солихўжаев Тошкентда кейинги йилларда қурилган гўзал фавворалари бунёд этишда, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуини қуриш ва ишга туширишда фаол қатнашди.

Ҳозирги кунларда эса унинг етакчилигида Тошкент метросининг Юнусобод йўналиши қурилишини жадаллаштириш ва уни ишга туширишни тезлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Ер ости қасрлари бунёдкорларининг меҳнати, яшаши ва дам олиш шароитларини яхшилаш биринчи галдаги бурчи эканлигини Шокир Тўраевич яхши тушунади. Шунинг учун ҳам уларнинг барча талаб-эҳтиёжларини баҳоли қудрат қондиришга ҳаракат қилади. Бугина эмас, у метро қурувчиларининг иқтидорли ўғил ва қизларининг олий ўқув юртларида таълим олишларини — ёш кадрлар заҳирасини яратишни ҳам эътибордан четда қолдирмаяпти.

Оддий деҳқон оиласида туғилган Шокир Солихўжаев ҳалол ва фаол меҳнати туфайли қурувчиларнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлиб келмоқда.

ТАЛИБДЖАНОВ Зиядулла Убайдуллаевич

23-Астробод сайлов округи



«Трансавтотуризм» очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқарувининг раиси Зиядулла Убайдуллаевич номи ҳозир кўпчиликка маълум. 1953 йилда туғилган, олий маълумотли З.У. Талибджанов туризм соҳасида 1979 йилдан бери самарали меҳнат қилиб келмоқда. Ўшандан буён бу соҳада бой тажриба орттирди. Ҳамиша ўз малакасини оширишга интилди. Келинг, унинг ишни нимадан бошлаганига эътибор берайлик. 1975 йилда Тошкент халқ хўжалиги институтини битиргач, меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси собиқ Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг иқтисод бошқармасида катта муҳандисликдан бошлади. Ҳарбий хизматдан кейин икки йил «Ўзбалиқсаноат» бирлашмасида ихтисоси бўйича ишлади. Туризм соҳасидаги ишни эса мухосибликдан бошлади. Сўнгра, у бош мухосиб ўринбосари, хўжалик ҳисобидаги назорат-тафтиш хизмати бошлиғи бўлиб ишлади.

У 1992 йилда «Ўзбектуризм» миллий компанияси ташкил топгач, 1994 йил декабрь ойигача режа ва иқтисод бошқармасининг бошлиғи вазифасида фаолият кўрсатди. 1994 йилнинг декабрида «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг 1-автобазаси директори этиб тайинланди. Саёҳатчиларга малакали транспорт хизмати кўрсатиш унинг доимо диққат-эътиборидадир. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида автобаза иқтисодий аҳволини яхшилаш учун кўп куч-ғайрат сарфлади. Мана бир неча йилдирки, автокорхона бир маромда муваффақиятли ишламоқда.

Зиядулла Убайдуллаевич меҳнат фаолияти мобайнида ўзининг юқори малакали мутахассис эканлигини намоён этди. Шунинг учун ҳам жамоа ўртасида муносиб обрў-эътибор қозонган.

ИРИСБЕКОВ Ниязбек Аскарбекович

15-Ҳамза сайлов округи



Илк меҳнат фаолиятини оддий ишчиликдан бошлаган Ниязбек Ирисбеков «Ўздонмаҳсулот» давлат акционерлик корпорациясида бош бошқарма бошлиғи, «Олтин бошоқ» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари вазифаларида давом эттирди. Унинг бевосита раҳбарлигида Тошкент вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманида 40 минг тонна ғаллани ўзида жамлайдиган дон қабул қилиш корхонаси қурилиб, ишга туширилди. Унинг бу ташаббускорлиги жамоада муносиб эътиборга сазовор бўлди. Ўз вазифасига сидқидилдан ёндошиб, ҳамкасбларига яқиндан ёрдам бераётган Ниязбек акани корхона жамоаси «Олтин бошоқ-У» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига раҳбар этиб сайладилар.

— Одамнинг тани-жони соғ бўлса, орзу-ҳаваслари рўёбга чиқаверар экан, — дейди депутатликка номзод. — Ўтган 1998 йилнинг 9 ойи мобайнида корхонамиз жамоаси томонидан 3 миллиард 796 миллион 638 минг сўмлик олий ҳамда биринчи навли унлар, омухта ем ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 3 миллиард 992 миллион 169 минг сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати ўтган йилга нисбатан 105,2 фоизга ўсди. Корхонамизга Италиянинг «Голфетто», «Бранбайти» русумли жаҳоннинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган ун ишлаб чиқариш технологиялари жалб этилмоқда. Бу ускуналарнинг афзаллиги қўл меҳнатини 100 фоизгача қисқартириш имконини беради.

Асли сайрамлик бўлган Ниязбек далаларда от чоптириб, болалик йилларини ўтказган, Туркистон яйловларини кезган, от дупурини юракдан ҳис этган бўлса не ажаб... Балки, Республика от спорти федерацияси президенти деган шарафли вазифа ҳам болаликдаги ширин орзуларининг намойишидир.

МАВЛЯНОВ Абдуманоп Раззакович

24-Юнусобод сайлов округи.



Унинг касби гидрогеолог. Олий маълумотли. 1948 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент политехника институтига ўқишга киргач, ўзини гидрогеология соҳасига бағишлади. «Союзгипрорис» лойиҳалаш институтининг Тошкент бўлимида муҳандис-гидрогеолог вазифасида ишлай бошлади. Сўнгра, қидирув отрядининг бошлиғи, қидирув партиясининг бошлиғи этиб тайинланди. А.Р. Мавлянов Жазоирда хизмат сафарида бўлиб, у ерда ҳам муҳандис гидрогеолог бўлиб ишлаган.

1982-1992 йилларда яна ўзи аввал ишлаган институт бўлимида муҳандислик қидирувлари бўлимининг бошлиғи, сўнгра, «Сувлойиҳа» бирлашмасида ишлади. 1993-94 йилларда республика «Оби ҳаёт» бирлашмасининг «Сув таъминоти» илмий-ишлаб чиқариш фирмаси директорининг ўринбосари вазифасида фаолият кўрсатди.

1995 йилдан бошлаб, Абдуманоп Раззакович Мавлянов «Зилол Булоқ» ишлаб чиқариш корхонасининг директори лавозимида ишлаб келмоқда. У фақатгина мамлакатимиздагина эмас, Қозоғистон ва Тожикистонда ҳам кўплаб сув қурилиши ва гидротехник қурилишлар лойиҳаларини муҳандис-геологик ва гидрогеологик жиҳатдан асослашда фаол иштирок этди. У бешта йирик сув омбори, кўплаб каналлар, автомобиль йўллари ва кўприклар, суғориш тармоқлари лойиҳаларини асослашда катта жонкуярлик кўрсатган. Тошкент шаҳридаги «Ҳасанбой—1» ва «Ҳасанбой—2» ҳудудларини сув билан таъминлаш ишларида ҳам фаол қатнашди. Ҳозирги пайтда у йирик сув иншоотлари бўйича қидирув ишларини олиб бормоқда. Қисқаси, А.Р.Мавлянов ўз зиммасига қандай топшириқ юклатилмасин, ҳамиша масъулият билан ёндошади ва уни ўз вақтида мукаммал адо этишга интилади.

ГАНИЕВА Саида Исмаиловна

20-Шайхонтоҳур сайлов округи



Ўзбек халқининг энг севимли касбларидан бири — тикувчилик ва попопчиликдир десак асло муболаға бўлмайди. Ҳар бир оилада имкони бўлса қизларимдан бирй шу касбни эгалласа, деган орзу бор. Саида Ганиева ҳам ёшлигида шу касбни орзу қилган бўлса ажаб эмас. Буни қарангки, ҳозир у масъулияти чекланган «Шарқ гули» ҳиссадорлик бирлашмаси бошқарувининг раиси бўлиб ишлаётир. Албатта, у бунга осонликча эришгани йўқ.

1979 йилда Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини муваффақиятли тамомлаб, ўз меҳнат фаолиятини дастлаб Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасида муҳандисликдан бошлади. Сўнгра у ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи этиб тайинланди. 1981 йилдан 1990 йилгача «Шарқ» чарм-галантерея ва пойабзал буюмлари ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлим бошлиғи ва бош муҳандис бўлиб ишлади. 1992 йилнинг июнь ойида эса Тошкент «Шарқ гули» ҳиссадорлик бирлашмаси бошқаруви раиси этиб тайинланди.

1992 йилгача Саида Исмаиловна Собир Раҳимов тумани ҳокимининг муовини лавозимида ишлади.

Кўриниб турибдики, у масъулиятли жабҳаларда меҳнат қилиб келмоқда. Айни пайтда жамоат ишларида ҳам фаолдир. Шайхонтоҳур туманигина эмас, балки, шаҳар ва республика хотин-қизлар қўмиталарининг, ЎзХДП Марказий Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси халқаро Дўстлик жамияти қошидаги Ўзбекистон—Покистон, Ўзбекистон—Малайзия дўстлик жамиятларининг аъзоси сифатида, Саида Ганиевани танимайдиган одам бўлмаса керак.

НУРАЛИЕВ Рустам Мелиевич

25-Яккасарой сайлов округи



Сурхондарёда туғилган, олий маълумотли Рустам Мелиевич ҳозир «Осиёэнергосаноат» ёпиқ турдаги акционерлик жамиятининг раиси бўлиб ишламоқда. Уни жамоа аҳли билимдон, кишиларга талабчан раҳбар сифатида яхши билишади. Бунинг боиси бор. Негаки, у энергетика иншоотларини қуриш ва таъмирлаш, уларнинг доимий ишлашини таъминлаш учун астойдил жон куйдиради. Сўнгги 10 йил давомида у қанчадан-қанча энергетика иншоотларини қуриб битказишда қатнашмади, дейсиз. Бу билан у республика халқ хўжалигини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олди дейишга ҳақлимиз.

Рустам Мелиевич фақатгина билимдон, ишбилармон бўлибгина қолмай, балки, айниқса ёшлар тарбиясида, уларнинг маънавиятини ўстириш ва билимини оширишда катта куч-ғайрат сарфламоқда. Унинг ўзи асло кечаги ютуқлар билан чегараланиб қолмайди, ҳамиша изланишдадир. Тошкент Давлат техника университети аспирантурасининг 2-курс талабаси эканлиги ҳам бунинг яққол исботидир. Мана шу — Тошкент Давлат техника университети қошидаги Европа жамиятининг Темпус-Таъсис дастурига мувофиқ ташкил этилган энергетика менеджментлари курсини имтиёзли битирди. Ҳозир эса Тошкент Давлат иқтисодиёт университетининг олий бизнес мактаби кечки бўлимида таҳсил олмоқда.

Рустам Мелиевич Нуралиев ишда тартиб-интизомга катта аҳамият беради. Балки шу сабабдан бўлса керак ўз қўл остидаги ходимлари уни талабчан раҳбар сифатида ҳурмат қилишади.

КУЧЕРОВ Вадим Петрович

16-Самолётсозлар сайлов округи



Свердлов вилоятида таваллуд топган Вадим Петрович 1959 йили ўрта мактабни тугатгандан кейин Куйбишев шаҳридаги 2-техника билим юртида таълим олди. Даставвал токарь бўлиб ишлади. Ўз билимини ошириш заруратини сезди. Шу ердаги авиация институтига ўқишга кирди. Авиация двигателлари бўйича муҳандис-механик ихтисосини эгаллади.

— Институтни тугатганимдан сўнг, — деб ҳикоя қилади у, — 1966 йилда, яъни Тошкент зилзиласи рўй берган йилда жонажон шаҳримизга келдим. Ўша пайтда 25 ёшда эдим. Тўппа-тўғри Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга кирдим. Моторист бўлиб ишладим. Сўнгра ихтисослашган ишлаб чиқариш бошлиғи, бош директор ўринбосари, бош муҳандис лавозимларида меҳнат қилдим.

Вадим Петрович ўз ҳикоясини давом эттирар экан, унинг босиб ўтган шонли йўли кўз ўнгимизда ёрқин гавдаланди. Қаранг, бир пайтлар оддий моторист бўлиб иш бошлаган ёш мутахассис мана эндиликда «Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти бошқарувининг раиси, бош директори бўлиб ишламоқда. Бунга уч йилдан ошди. Шу давр мобайнида корхонада кўп ўзгаришлар бўлди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида туғилган муаммоларни ҳал этишда катта жонкуярлик кўрсатди. «Ан—12», «Ан—22», «Ан—124», «Ан—70» самолётларини туркум ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Шуниси қувончлики, «Ил—76», «Ил—114» самолётларини янги модификацияда ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. Бундан ташқари, корхонада ўнлаб янги турдаги кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек Тошкент шаҳри ва республикамиздаги ноёб иншоотлар учун мураккаб металл конструкциялар тайёрланмоқда. Буларнинг ҳаммасида Вадим Петровичнинг катта ҳиссаси бор.

Сахифа материалларини Хамид ИКРОМОВ, Хайдар НОСИРОВ, Сохибжон САЛИМОВЛАР тайёрлади.

Ҳарбий қисмларга раҳматномалар ортмоқда

Мамлакатимиз мустақилликка эришганига саккиз йилдан ошди. Ана шу вақт давомида барча соҳалардаги сингари миллий армиямизни ислоҳ қилиш, сафларига жисмоний етук, маънавий баркамол ёшларни қабул қилиш муҳим масалалардан бирига айланмоқда. Айниқса бунинг учун биринчи навбатда жойлардаги туман, шаҳар мудофаа ишларини назорат қилиш, ҳарбий қисмларда қонунчиликни таъминлаш ва аскарлар учун керакли шароитлар яратиш, жисмоний тайёргарлигини ошириш сингари қатор ишларни тубдан яхшилаш зарур. Ҳарбий қисмларда ана шундай муҳим масалаларни амалга ошириш ва назорат қилишда ҳарбий прокуратуранинг ўрни катта.

Яқинда мухбиримиз Фарғона ҳарбий гарнизони прокурори, майор Санжар АБДУЛЛАЕВ билан учрашиб, ана шу ҳақда суҳбатлашди.



Очиқ айтиш лозимки, мустақиллигимизнинг дастлабки даврларида миллий армиямизни шакллантириш, етук кадрлар билан таъминлаш, сафларимизни соғлом, бақувват ёшлар билан тўлдириш уларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш бирмунча қийин кечди. Ҳарбий қисмларда миллий кадрларнинг етишмаслиги, борларининг эса эскича иш юритишдан нари ўтаолмаганлиги бунга сабаб бўлди. Натижада аскарларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишлари бир оз сусайган эди.

Мамлакатимиз раҳбариятининг миллий армиямизга нисбатан катта эътибори туфайли ва прокуратура назоратининг оширилганлиги бугунги кунга келиб юқорида айтилган камчиликлар ва шунга ўхшаш қатор муаммолар баратараф этилди.

Айни пайтда ҳам ходимларимиз томонидан ҳарбий бўлинмаларда маънавий ва сиёсий маърузалар сонини оширди. Давра суҳбатлари тез-тез ўтказиладиган бўлди. Оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар уюштирилмоқда. Туман, шаҳар мудофаа бўлимларида ота-оналар билан тез-тез учрашувлар ўтказилиб тушунтириш ишлари олиб бориш асосий фаолиятимизга айлантирилган. Табиийки буларнинг барчаси ўз самарасини бермоқда. Ҳаттоки шундай вазият юзага келдики, ота-оналаримизнинг кўпчилик қисми ҳарбий хизматда бўлмаган йигитларга қизимизни бермаймиз, дегувчилар сони ортиб бормоқда. Бундан кўриниб турибдики, миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг бурчи, шаънига айланмоқда.

— Айни пайтда ота-оналар ҳарбий бўлинмалардаги аҳволдан қониқиш ҳосил қилишаяптими?

— Тўғри, бундан 5-6 йиллар олдин шўро армиясидан қолган иллатлар устун эди. Яъни зобитларнинг қўл остидаги аскарларга қўл кўтариб, лавозимини суиистеъмол қилиш ҳолатлари, «дедовщина» деган аҳмоқона анъаналар ҳам мавжуд эдики, буларнинг барчаси янги

Ватан — муқаддас

хизматга чақирилган ёшларнинг ўз бурчларини ўташга монелик билдирарди. Бу эса ота-оналар ўртасида бирмунча норозилик уйғотганди. Мана бир неча йилдирки, олиб бораётган тадбирларимиз ва прокуратура назоратининг кучайтирилганлиги туфайли шикоятлар кескин камайиб, раҳматномалар сони ортиб бормоқда.

— Демак зобитларнинг ўз мансабларини суиистеъмол қилиш, ва шунингдек аскарлар ўртасидаги собиқ итифоқдан қолган турли хил асоратларга барҳам берилибди-да.

— Шундай. Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, айрим зобитларимиз орасида, ножўя ҳаракат қилувчилар ҳали ҳам учраб турибди. Хусусан, яқинда бир старшина қўл остидаги аскарни жамоатчилик орқали тарбиялаш ўрнига жисмонан куч ишлатиш йўли билан тарибга солмоқчи бўлган. Натижада аскар жароҳатланган. Айни пайтда старшина устидан жиноий иш қўзғатилди. Яқинда ҳам хабарингиз бўлса, телевидение орқали бир нечта зобитлар қўл остидаги аскарлардан ноқонуний равишда пул йиғиб олганлиги учун улар лавозимларидан четлаштирилганлиги намойиш этилди. Албатта бундай камчиликларни бутунлай бартараф қилиш мақсадида ҳар икки-уч кунда прокуратура умумий назоратини ўтказаяпмизки, бу ўз самарасини бераяпти.

— Ҳарбий соҳада кўп йиллар ишлаган мутахассис сифатида айтингчи, янги асрда миллий армиямизни қандай тасаввур қиласиз?

— Миллий армиямиз ўтиш давридан ўтиб бўлди. Барча қийинчиликлар ортда қолди. Таъбир жоиз бўлса, армиямиз ривожланиш палласига кирди. Шундай экан, мен янги асрда армиямизни мутлақо бошқача тасаввур қиламан. Мамлакатимиз Президенти — Олий Бош қўмондонимиз таъкидлаганидек, ҳарбий бўлинмаларимизга энг сара йигитлар қабул қилина бошлайди. Бу борада ҳозир туман, шаҳар мудофаа бўлимларида, «Ватанпарвар» ташкилотларида тайёргарлик ишлари олиб борилаяпти. Прокуратурамиз эса бу жараён юзасидан ўз тавсияларини киритмоқда.

Шуни аниқ ишонч билан айтамизки, XXI асрда армиямиз МДҲ доирасида энг нуфузли армиялардан бирига айланади.

Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон танлаган йўл

Ўзбекистон мустақиллик йўлидан дадил бормоқда. Утган давр танлаган йўлимиз тўғри эканлигини исботлади. Ва бутун мамлакат аҳли Президентимиз атрофида бир тану бир жон бўлиб бирлашди. «Мулоқот»нинг янги сонида таниқли публицист Нарзулла Жўраев таъкидлаганидай, «Узбекистон танлаган йўл инсон манфаатлари тўла ҳимоя қилинган, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳар томонлама кафолатланган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидир». Бу йўл — энг халқчил, инсон ҳақ-ҳуқуқлари чекланаган, демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли фуқаролик жамиятини бунёд этиш йўлидир.

«Мулоқот» саҳифаларида

Ҳуқуқшунос олим Акмал Саидов ўз мақоласида «Узбекистон халқаро ҳуқуқий талаб ва меъёрларнинг биринчи ўринга қўйилишини эътироф этади, инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш ва мустаҳкамлашга, демократия идеалларига садоқат, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни таъминлашни ўз ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлигини таъкидлайди.

Таниқли олим Усмон Қорабоев ўз тадқиқотида ишонч билан «Келгуси XXI асрда инсоният учун маданият энг зарур ҳодисага айланади», — дейди.

Журналда Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг тиббиёт ва ҳаёт ҳақидаги кузатишлари жамланган «Фикрнома»си эълон қилинган. Узбекистон халқ шоири Барот Бойқобиловнинг «Ёшлик замони» достонини ўқиганда ёшликнинг бахтиёр ва энг беғубор онлари беихтиёр эсга тушади.

Ушбу сонда файласуф олим Собитхон Носирхўжаев монандликлар ҳамнафаслиги ғояси бугунги кунда устуворликка эга бўлаётганини ёзади.

Мамлакатимизда 1999 йил — Аёллар йилидир. Ушбу йилда аёллар ўзларига қаратилган эътибор ва ҳурматни ҳис этмоқдалар. Журналист Нормўмин Очилов «Мулоқот»нинг янги сонида оналар ҳақида мадҳия эълон қилди. Бу жамоамизнинг муҳтарам аёлларга бахш этган ўзига хос совғаси бўлди.

Янги сонда ёшларга ҳам кенг ўрин берилган. Чунончи, Азамат Худойқулов, Музаффар Аҳмедов, Барнохон Ғаниева, Бардамбек Саъдуллаев ва Кайрат Акчуласов каби муаллифларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Салкам ўн йилки «Мулоқот» ватанпарварлик ва инсонийлик ҳақида баҳс қилади. Янги сонда Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Абдуқаҳҳор Иброҳимов истиқлолдан руҳланиб, ўзлигимизни теран англаётганимизни таҳлил қилади.

«Биз фаровонлик яратиш учун илғор ғоялар, ихтиролар, таклифлар ва режаларни қидирмоқдамиз» — деб ёзади иқтисодчи Карим Набиев. 6-сонда, шунингдек Баҳриддин Маннонов нинг «Элчига ўлим йўқ» таомили нега бузулди?» мақоласининг давомини ўқийсиз. Буюк аллома Зайниддин Ғаззолийнинг «Кимиёи саодат»и дилингизни хушнуд этади.

Ил фасллари алмашади, одамлар ҳаёти ўзгаради. «Мулоқот» саҳифаларида ҳам ўзгаришлар рўй беради. Бироқ, Узбекистон танлаган йўл, ҳур ва озод, инсонпарвар ва фаровон жамият қуриш орзуси ўзгармайди. «Мулоқот»нинг янги сони шу муҳим мавзуни кўтаргани учун ҳам қимматлидир.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.

Нашр кўрсаткичларимиз:
Якка обуначилар учун-844
Ташкилотлар учун-845

«Ўзсувқурилиш» концерни

Металл маҳсулотлари, ёғоч аралаш дастгоҳлари, сув иситиш қозони, насослар тайёрлайди. Концернинг ер суриш машиналарини таъмирловчи корхоналари барча вилоятларда самарали ишламоқда ва буюртмалар адо этади.

Концерн хорижий сармоядорларни корхонамизда қўшма корхоналар ташкил этишга ва 2000 йилдан бошлаб акциядорлик жамиятларининг 50 фоиз акциясини сотиб олишга таклиф қилади.

Сизларнинг таклифингизни кутамиз.

Манзил: Тошкент ш., Лутфий кўчаси, 14-уй. Тел.: 78-48-45, Факс: 78-59-79

«АЛАН СЕРВИС» АЖ
барча турдаги
тракторлар
эҳтиёт қисмларини
ТАКЛИФ ЭТАДИ

Дўконимизда ҳамиша Т-28, МТЗ-80, «Алтай» ва бошқа русумли тракторларнинг 500дан ортиқ эҳтиёт қисмлари пул ўтказиш йўли билан сотилади

Манзил: Тошкент шаҳри, Жарқўрғон кўчаси, 43-уй. «Сельхоззапчасти» дўкони. Телефон: (3712) 96-63-21.

«Ўзбекистон шампани»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Ўзбекистон шампани» очиқ акциядорлик жамиятининг Кузатув кенгаши қарорига биноан «Ўзбекистон шампани» ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 1999 йил 19 ноябрь куни соат 16^{00} да ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. «Ўзбекистон шампани» акциядорлик жамиятининг Низом жамғармасини ошириш.

Манзил: Тошкент шаҳар, 700007, Султонали Машҳадий кўчаси, 186-уй. «Ўзбекистон шампани» ОАЖ клуби. Тел: 67-66-41, 67-68-28

ДУШАНБА 15

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
8.40 Эстрада тароналари.
9.10 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Бир қадам...».
10.00, 12.00,14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Оқ бўталоқ». Мультфильм.
10.25 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.45 Кундузги сеанс: «Тўғри сўзнинг тўқмоғи». Бадиий фильм.
12.05 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
12.20 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.50 «Ойдин келажак йўлида»
13.20 «Олтин дала». Ахборот-мусиқий кўрсатув.
14.10 «Шоҳруҳ» клуби.
14.40 «Оталар чойхонаси».Мусиқий-дам олиш дастури.
15.40 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Алла».
16.00 «Муҳаббат дарси».
16.20 «Бу шунақа ўйин». Бадиий фильм.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 «Истеъдод» Мусиқий дастур.
18.30 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари
20.30 «Ахборот».
21.05 «Назм ва наво».Мунис лирикаси.
21.50 «Тараққиёт йўли».
22.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал.98-қисм.
23.00 «Маънавият» дастури.
23.50 «Ахборот».
00.20 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм. 1-серия.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади: («Ким эпчилу, ким чаққон», Мульттомоша).
18.35 Жараён (сайловларда ёшларнинг иштироки).
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сайловлар минбари». «Фидокорлар миллий демократик партияси».
19.45 «Олтин мерос».
19.50 «Ёшлар» телеканалида.
19.55 Мен овоз бераман.
20.00 Маслак ва мақсад. «Ватан тараққиёти» партияси.
20.30, 20.55, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.20 Бир жуфт қўшиқ.
21.30 Дунёга йўл.
21.50 «Мен овоз бераман».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Миллионлар ўйини. 2.Футбол. Ҳафтанинг энг яхши учрашуви.
01.00 «TV-саёҳат».
01.10 «Хайрли тун!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.
18.15 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 Пойтахт». Ахборот кўрстуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Телефакт»
19.15 Эфирда — «Ватан тараққиёти» партияси.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 80-серия.
20.10 «Бурч ва масъулият».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Халқ саломатлиги йўлида».
21.45 «Сиз соғинган наволар». Н. Аҳмедова.
22.10 «Кўзгу». Тележурнал.
22.45 «Индаба». Телесериал. 8-серия.
23.10 «Спорт-тайм».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Ҳақиқат билан тўқнашув».
01.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

13.55 Кўрсатувлар тартиби.
14.00 «Сайловлар минбари». Ҳокимият вакиллик органларининг сайловолди платформаси.

14.15-16.10 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
16.40 «Тенгдошлар».
17.00 «Давлат реформаси». Видеофильм.
17.40 «Мультчархпалак».

РДТ

17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал премьераси (Австрия-Германия)
18.50 «Уорлднет» янгиликлари.
19.00 «Ит уяси». Телесериал.
19.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
19.35 «Дил изҳори».

РЖТ

19.40 «Лўли». Сериал. 4-серия.
20.45 «ТВ 4-да Немис тўлқини».
21.00 «Время».
21.40 «Махфий ҳужжатлар» (X-files)
23.25 «Дил изҳори».
23.30 «Вести».
24.00 Кинематограф: «Қароқчилар». Бадиий фильм.
01.45 «Ахборот» (рус тилида)
02.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

15.00 га қадар профилактика.
15.05, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
15.30 «Эсдалик учун дастхат».
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
17.35 «Эркакларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноошком.
23.15 «Рэкет». Криминал сериал (Италия).
24.00 Мусиқий-дам олиш дастури.

СЕШАНБА 16

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Соз сеҳри».Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 98-қисм
10.00,12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Янги алифбони ўрганамиз.
10.30 «Ха, ха, ха». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
10.50 Кундузги сеанс: «Жонли камалак». Бадиий фильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Санъат олами»
12.25 «Оила». Тележурнал.
12.50 «Маънавият» дастури.
13.40 «Истиқлол нашидаси». Мусиқий дастур.
14.10 «Баркамол авлод орзуси».
14.35 «Кувноқ стартлар» Телемусобақа.
15.15 «Шийпондаги учрашув».
16.00 Маърифатнома. «Дин ва демократия».
16.30 «24-25» қайтмаяпти». Бадиий фильм.
17.55 Ватан тимсоллари.
18.10 Болалар учун «Севимли созим».
18.30 «Олам ва одам»
18.40 «Ҳунарманд».Тележурнал
19.00 «Қалқон».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Зиё».
20.10 Оқшом эртаклари
20.30 «Ахборот»
21.05 «Сайловчи минбари».
21.25 «Дунё гавҳарисан азим Самарқанд». Мусиқий дастур.
22.15 «Жиловланмаган Африка». Телесериал премьераси.
23.05 «Узлигинг намоён қил!».Экранда — Тошкент вилояти.
23.40 «Ахборот».

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.10 «Ўнта негр боласи». Бадиий фильм.2-серия
01.15-01.20 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 98-қисм.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сайловлар минбари». «Халқ демократик партияси».
19.45 Fазал қоринчи.
20.00 Маслак ва мақсад. Мустақил номзодларни қўллаб қувватлаш маркази.
20.30, 20.55, 22.30 Эълонлар.
20.30 «Ҳақиқат чегараси». Телесериал.
21.00 «Мен овоз бераман».
21.05 «Ёшлар овози».
21.25 Мусиқий лаҳзалар.
21.30 «Марду-майдон».
21.50 «Сарвиноз».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 «Мунисам».
23.35 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.
00.35 «Янги тонг».

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрстуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.15 Эфирда — Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 81-серия.
20.10 Эстрада концерти.
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ёшлар ҳудуди». Мен сайловчиман.
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 «Спорт оламида».
22.45 «Индаба». Телесериал. 9-серия.
23.10 «Суҳбатдош».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Керакли одам».
01.05 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

РЖТ 7.30-9.00
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Сайловлар ва биз». Ҳокимият вакиллик органлари.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».

РДТ

17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Дил изҳори».

РЖТ

18.55 «Сени излайман».
19.40 «Лўли». Сериал. 5-серия.
20.45 «Спорт-клуб».
21.00 «Время».
21.50 «Ит уяси». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
22:30 «Вести»
23.00 Кинематограф: «Коломбо. Тасвирга тушган ўлим». Бадиий фильм.
00.30 «Ахборот» (рус тилида).
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Бошга тушган ташвиш». Телесериал (Канада).
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 Мусиқий дастур.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Морена Клара». Телесериал.
17.35 «Эркакларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Телесериал.
19.25 «Висол». Мусиқий дастур.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноошком.
23.15 «Рэкет». Криминал сериал.
24.00 Мусиқий-дам олиш канали.

ЧОРШАНБА 17

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Марказий газеталар шарҳи.
8.45 «Кўнгил таронаси». Мусиқий дастур
9.10 «Хомҳаёл». Мультфильм.
9.20 «Меҳригиё».
9.40 «Озод юрт одамлари « 10.00, 12.00, 14.00,18.00 Янгиликлар.
10.05 «Мактублар — кабутарлар»
10.35 Кундузги сеанс: «Чегем ҳангомалари». Бадиий фильм.
11.55 Ватан тимсоллари.
12.05 «Сайловчи минбари».
12.25 Ўзбек куйларидан концерт.
12.55 Дзюдо бўйича хотира турнири.
13.10 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
14.10 «Остонаси тиллодан» Адабий кўрсатув
14.40 Болалар учун «Санъат ғунчалари».
15.00 «Фан — тараққиёт негизи».
15.20 «Ўзбектелефильм» асарлари намойиши: «Баҳтиёр Холхўжаев куйлайди».
15.40 «Талаб ва таклиф».
16.00 «Жаҳон спорти».
16.15 «Тихомиров фожиаси».Бадиий фильм.
17.45 «Аёл борки, олам мунаввар». Публицистик кўрсатув.
18.10 «Умид учқунлари». Тележурнал.
18.30 «Юрт хавоси — тан давоси»
18.45 «Мулоқот».Адабий кўрсатув.
19.05 «Фермер». Тележурнал
19.25, 19.55, 20.25, 21.00,21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот»(рус тилида)
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот»
21.05 «Сайловлар ва биз».
21.25 «Санъатга бахшида умр». Ориф Алимаҳсумов.
22.00 «Иқтисодиёт чорраҳаларида».

«Тунги ҳамроҳ»

22.20 «XXI аср талабалари».
23.20 «Кулгу-терапия».
24.00 «Ахборот».
00.30 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 99-қисм.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Бугуннинг боласи»).
18.25 «Рақслар қанотида».
18.45 «Сифат ҳақида суҳбат».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Сайловлар минбари». «Миллий тикланиш» демократик партияси.
19.45 Мусиқий лаҳзалар.
19.50 «Ёшлар» телеканалида.
19.55 «Мен овоз бераман».
20.00 Маслак ва мақсад. «Ҳокимият вакиллик органлари».
20.30 «Спорт-лотто».
20.40 «Лаззат».
21.00, 22.30 Эълонлар.
21.05 «Ракурс».
21.25 «Эркин фикр».
21.45 «Ёшлар» телеканалида.
21.50 «Мен овоз бераман».
21.55 «Каталог».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.15 Мусиқий лаҳзалар.
23.20 «Мен овоз бераман».
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури. Интерфутбол.
01.10 «Хит-коллекция».
01.30 «Хайрли тун!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.30, 21.30, 22.30, 23.30 «Пойтахт». Ахборот кўрстуви.
18.45 Телегазета «Экспресс». «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.05 «Мусоҳаба».
19.15 Эфирда — Ҳокимият вакиллик органлари.
19.45 «Қалтис ўйинлар». Телесериал. 82-серия.
20.10 «Олтин давр».
20.25, 21.00 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.45 Санъат усталарининг концерти.
22.15 «Долзарб мавзу».
22.45 «Индаба». Телесериал. 10-серия.
23.15 «Куз ҳаёллари».
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Кинонигоҳ. «Ўлимга тенг олишув».
01.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4TV

РЖТ 7.30-9.00
15.05-16.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

16.05 Кўрсатувлар тартиби.
16.10 «Сайловлар ва биз». «Адолат» социал-демократик партияси.
16.40 «Тотли оғу». Телесериал.
17.40 «Мультчархпалак».

РДТ

17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.50 «Дил изҳори».

РЖТ

18.55 «Инсон ва қонун».
19.40 «Лўли». Сериал. 6-серия.
20.45 «Сизнинг адвокатингиз».
21.00 «Время».
21.50 «Ит уяси». Телесериал.
22.15 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дил изҳори».
22.30 «Вести».
23.00 «Океан ортига саёҳат. Япония».
23.15 «Бевафолар». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида).
01.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30 канал

9.05 «Мусиқий тонг». Мусиқий-дам олиш дастури.
9.30 «Даракчи». Дам олиш дастури.
10.00, 13.30, 18.00, 20.20, 00.30 — «Телеҳамкор», «Метеохабар».
10.30 Мусиқий дастур.
11.00 Тонгги киносеанс.
12.45 «Бошга тушган ташвиш». Телесериал.
14.00 Кундузги киносеанс.
15.30 «Дунё шаҳарлари». Ҳужжатли сериал.
16.00 «Карапуз-ТВ».
16.25 «Фақат хотин-қизлар учун!». Тележурнал.
16.50 «Узурпатор аёл». Телесериал (Мексика).
17.35 «Эркакларнинг ташвишлари».
18.25 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
18.40 «Бахт». Телесериал.
19.25 Спорт шарҳи.
19.50 «Дўндиқча». Телесериал.
20.45 «Клип-совға».
21.30 «30-канал»да киноошком.
23.15 «Рэкет». Криминал сериал.
24.00 Мусиқий-дам олиш канали.

Внимание: Аукцион!

Ташкентский городской муниципальный биржевой центр проводит 25 ноября, 10, 24 декабря 1999 года часов аукционные и биржевые торги.

На торги выставляются:

Автотранспортные средства

1. Государственной налоговой инспекции, расположенной по ул. Абая, 4:
— автомобиль ВАЗ-2106, гос. N 0333 ТНС, стартовая цена 450947 сумов:
— автомобиль Нексия, гос. N 3896 ТНД, стартовая цена 704818 сумов;

Объекты недвижимости и имущество предприятий объявленных банкротами:

— часть здания АБК с автогаражом и транспортными средствами АООТ «КСМ» ПСМО «Водстрой», расположенного в Южной промзоне Сергелийского района. Стартовая цена 17000000 сумов;

— территория БРУ с механизмами АООТ «КСМ» ПСМО «Водстрой», расположенного в Южной промзоне Сергелийского района. Стартовая цена 8000000 сумов.

Объекты недвижимости и имущество предприятий имеющих задолженность перед бюджетом:

— зона отдыха «Строитель» принадлежащая АООТ «Ташпромгражданстрой», расположенная в Ташкентской обл., Бостанлыкский район, село Кызил-сув. Стартовая цена 20410500 сумов;

— незавершенное строительством здание цеха товаров народного потребления, принадлежащее КПТП «Аззат», расположенное в Сергелийском районе, Сергелийская промзона, ул. Бешкентская. Стартовая цена 3400000 сумов.

Земельные участки под индивидуальное жилищное строительство, передаваемые в пожизненно-наследуемое владение граждан, площадью 400.0 кв.м., расположенные на массиве Сергели-14 «а» Сергелийского района. Стартовая цена одного земельного участка 224449 сумов. Прием заявок на участие в аукционе по земельным участкам прекращается за трое суток до начала проведения аукциона.

СПЕШИТЕ, ЭТО ВАШ ШАНС!

Наш адрес: г. Ташкент, ул А. Кадыри, дом 13, ком.1
Телефоны для справок: 144-51-74, 144-56-72, 144-43-77

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-38-55, 133-47-80, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 4-61-35;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир
Ҳамид ИКРОМОВ,
навбатчи
Шуҳрат ТЎПАЕВ

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ЖУМАНОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан утиш тартиби №00004 Газета офсет усулида, А—2 форматда, 16.732 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0897

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 00.10
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА